

77 НАФАР АЁЛГА ЖИХОЗЛАР ТАРҚАТИЛДИ



Туманда “Аёллар дафтари” платформасига киритилган аёллар 834 нафарни ташкил этади. Шундан 763 нафари ёки 91 фоизига кўмак кўрсатилган.

Туманнинг 2-Секторида платформага 326 нафар аёл киритилган. Кунни кеча 2-Сектордаги аёлларга кўмак бериш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш мақсадида навбатдаги тадбир ўтказилди.

Тадбирда ногиронлиги бўлган ёки I ва II гуруҳ ногирон фарзандлари бор аёлларнинг 77 нафарига жиҳозлар ажратиб берилди. Жумладан;

32 дона тикув машинаси;

42 дона духовка печ;

3 дона сув насоси.

Ажратилган жиҳозлар аёлларнинг ўзини ўзи банд қилиш, уйда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ҳамда даромад манбаига эга бўлиши учун берилмоқда.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати